



ПРОФЕССИОНАЛ ЖИНОЯТЧИЛАР ВА РЕЦИДИВИСТЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Исакулов Самариддин Қаршибой ўғли

ИИБ Академияси Хизмат психологияси ва
касбий маданияти кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523756>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 06th June 2024

KEYWORDS

жиноятчи шахсларнинг
турлари, профессионал
жиноятчилар, рецидивист
шахс психологияси.
Импульсив (ғайриихтиёрий)
рецидивистлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноятчи шахсини психологик ўзига хослигини, уни психологиясини ўрганмасдан, уни ҳисобга олмасдан жиноятчиликнинг алоҳида турларининг, қолаверса муайян жиноятнинг олдини олишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиб ва асослаб бўлмаслиги. ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Жиноятчи шахс муаммоси ўзининг долзарблигини инсоният пайдо бўлганидан буён йўқотгани йўқ. Жиноятчи жамиятдаги жиноятларнинг турига қараб профессионаллашиб боради. Бундай тоифадаги шахсларнинг хатти-ҳаракатини ўрганиш аввало криминал психология фанини объекти ва марказий ўрганиш муаммоларидан биридир. Чунки жиноятчи шахси жиноий хатти-ҳаракатнинг моҳияти билан боғлиқдир. Жиноятчи шахсини психологик ўзига хослигини, уни психологиясини ўрганмасдан, уни ҳисобга олмасдан жиноятчиликнинг алоҳида турларининг, қолаверса муайян жиноятнинг олдини олишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиб ва асослаб бўлмайди. [1]

Профессионал жиноятчилик одатда доимий равишда ғайриқонуний даромад олиш билан боғланади. Бироқ профессионал жиноятчиликни фақат «даромад» тушунчаси билан эмас, балки яхши ишланган, усуллар билан амалга ошириладиган барқарор, доимий машғулот сифатида тушуниладиган «профессионализм» деган психологик тушунча билан ҳам боғлаш лозим.

Масалан, ўғрилиқ касбга айланганида у билан ҳар қандай касб билан бўладиган ҳодиса рўй беради: меҳнат тақсимооти юзага келади, касб турмуш тарзига айланади. Профессионал жиноятчи, уста сифатида ишлаб, ўз ишини яхши билади ва бутун интилишларини унга бўйсундиради.

Профессионал жиноятчилар ўз ҳаётларида бир неча марта айбли ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб, муайян билим ва тажриба тўплаган, фақат жиноят содир этиш туфайли қўлга киритилган моддий неъматлар эвазига яшашга ўрганган кишилардир. Профессионал жиноятчи жиноий ихтисослашуви билан ажралиб туради.

Рецидивистларнинг энг кўп қисми ғаразли ҳамда ғаразли-зўравонлик жиноятчилари орасида кузатилади. Уларнинг аксарияти – гуруҳий жиноятлар иштирокчиларидир. Улар ушбу жиноятларни ўз даромадларининг барқарор манбаига ва ҳаётий фаолиятининг асосий усулига айлантирадилар.

Бекорчилик, ичкиликбозлик, мулоқот доирасининг жиноий муҳит, жорий ибтидоий истаклар билан чекланганлиги, вазиятга тобелик уларнинг руҳий ривожланиш даражасини ниҳоятда чеклаб қўяди. Шафқатсиз уруш-тўполонларда ижтимоий жиҳатдан рўёбга чиқмаган шахс намоён бўлади.

Рецидивистларнинг аксариятида руҳий бузилишлар ва аномалиялар кузатилади. Уларнинг хулқ-атвори ёрқин кўриниб турган бебошлик, жиззакилик, беадаблик, атрофдаги одамларга нисбатан душманлик билан ажралиб туради.

«Эркинликдаги» ҳаёт шароитларининг ниҳоятда ноқулайлиги, «зона»га кўникиб қолиш, унинг жазодан қўрқиш ҳиссини йўқотишига имкон беради. Янги жиноятни рецидивист одатдаги даражада – жиноий хулқ-атворнинг афзаллигига бўлган установка туфайли содир этади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги одатда энг юқори мақом, имтиёзли ҳолат таъминланган ҳаёт эса нафақат қўрқитмайди, балки ҳатто ўзига тортади. [2]

Рецидив жиноятчилик – индивиднинг барқарор ғайриижтимоий хислатларининг намоён бўлиши бўлиб, ўзини бошқариш нуқсонлари ғайриижтимоий қадриятли мўлжаллари билан биргаликда, вазият билан муҳитга боғлиқлик – рецидивистнинг асосий психологик хусусиятларидир. Рецидивистнинг жиноий хулқ-атворида ўзини бошқариш онгли ва онг ости механизмларининг ўзаро таъсирига хос хусусиятлар кўзга ташланади.

Рецидивистнинг хулқ-атвори кўпинча соғлом ақлга, унинг ўз манфаатларига зид келади. Кўпинча мақсадлар воситаларга мос келмайди, у қабул қиладиган қарорлар эса унинг хулқ-атвори энг оддий эҳтиёткорликдан маҳрум, кўпинча энг яқин оқибатларини ҳам инobatга олмайди.

Масалан, қасддан одам ўлдиргани ва ўғрилиқ қилгани учун икки марта судланган Е. озодликка чиққанидан сўнг ишга жойлашди, уйланди, нормал ҳаёт шароитига эга эди. Бироқ у билан бирга жазо ўтаган Т.ни тасодифан учратгач, маст ҳолда ўз қўшнисининг уйига ўғрилиқка тушди, унинг баданига шикаст етказди. Эртаси куни Е. айбини бўйнига олиб маҳкамага келди ва ўта хавfli рецидивист деб топилди ҳамда гуруҳ бўлиб босқинчилик қилгани учун саккиз йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Бу турдаги кўплаб фактлар рецидивист жиноятчининг онги унинг хатти-ҳаракатининг ягона эмаслигини кўрсатмоқда; бу ўринда шахсий ўзини ўзи бошқаришнинг бутун тузилиши бузилган: қадриятлар мўлжалларининг иерархияси бузилгани, ақл далилларининг одатдаги интилишлари билан бостирилгани. Рецидивистнинг жиноий истак-хоҳишлари гўёки ақлининг тўсиқлари орқали отилиб чиқади – ғайриижтимоий назорат қилинмайдиган хулқ ҳодиса юзага келади.

Рецидивист – жиноий йўналишга эга бўлган ўта юқори онгга эга ғайриижтимоий шахс типидир.

Рецидивист жиноятчи шахсининг барқарор ғайриижтимоий йўналишига эгаллигининг қийинчилиги ва низоларни фақат куч ишлатиш орқали ҳал қилишга барқарор тайёрлигида намоён бўлади..

Рецидив жиноятчилик руҳий аномалиялар – олигофрения, психопатиянинг энгил даражаси, характернинг акцентуациялари, алкогольли деградация кабилар билан юқори даражада мос келади. Аёлларда рецидивлик, истерик (саросима) ҳолат ва алкогольлашув билан бирга келади – улар эркакларга қараганда кўпроқ ҳолларда невротик ва психопатик бузилиш ҳолатида жиноят содир этадилар.

«Афтидан, бир неча марта судланган шахсларнинг ижтимоий бегоналашуви кучайгани сайин уларнинг руҳий саломатлиги ёмонлашади ва жиноий хулқ-атворининг таркибидаги қуйи мотивлар борган сари сезиларли ўрин эгаллайди». Рецидивист жиноятчиларнинг ижтимоий-ахлоқий бузилиши озодликдан маҳрум қилиш жойларида узоқ вақт бўлиш жараёнида чуқурлашади. Невротизм, психопатизация, характернинг акцентуацияла-шуви, хатти-ҳаракатнинг ноадекватлиги, тажовузкор кўринишларга барқарор мойиллик – булар нафақат жиноий турмуш тарзининг, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларида узоқ вақт бўлишнинг ҳам одатдаги оқибатларидир.

XX асрнинг 20-йиллардаёқ машҳур психолог ва психиатр А.Ф. Лазурский таклиф этган психологик типлаштиришга асосланган ҳолда рецидивист жиноятчини, шахснинг бузилган типига киритиш лозим, ушбу типнинг турларини эса ҳар хил характерологик оғишларга қараб аниқлаш лозим.

А.Ф. Лазурский барқарор жиноятчиларни ақлли, иродаси сусти, жаззак ва эмоционал турларга ажратган. Масалан, иродаси сусти рецидивистлар жиноятларни ҳаётга мослашмаганлиги, ижтимоий адаптациялашмаганлиги, ниҳоятда ноқулай ҳаётини вазиятлар, турмушининг йўлга тушмаганлиги сабабли содир этадилар. Улар одатда ҳар хил жиноятларни содир этишга мойил индивидлардир. [3]

Импульсив (ғайриихтиёрий) рецидивистлар ўз ҳаракатининг оқибатларини олдиндан кўрмайдиган индивидлар, улар арзимаган сабабларга кучли таъсирни намоён этадилар. Содири этилган жиноятларнинг оғирлиги одатда уларнинг сабабларига мос келмайди.

Улар ўз установакалари, стереотиплари, одатларининг қулларидир. Уларнинг истаклари (айниқса, алкогольдан маст ҳолатда) дарҳол кескин ғайриижтимоий ҳаракатларга айланади. Уларнинг яхши кўрган иши – безорилик, зўрликка асосланган қилмишлардир. Улар одатда неврозлар, ичкилик туфайли бузилишлар, ақлий етишмовчиликларга дучор шахслардир.

Аффектив рецидивистлар ниҳоятда эмоционал беқарорлиги билан ажралиб турадилар. Уларда аффектив ҳолатларга ҳатто мураккаб бўлмаган низоли вазиятларда ҳам тушиб қолишлиги, қийинчиликка бардош бера олмаслиги билан ажралиб турадилар.

Улар ўзларининг камчиликларини ўта тажовузкорлик, хулқ-атвори-нинг умумий кучли энергетизми билан қоплашга уринадилар. Улар доимо фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилишга, мулкни ишдан чиқариш ва бузишга мойилдирлар. Ушбу жиноятчиларнинг рецидивлари одатда бир хил ёки ўхшаш жиноятлардан ташкил топади. [4]

Рецидивистнинг эмоционал тупи қандайдир барқарор, устунлик қилувчи ҳиссий-салбий ҳолат (ҳаддан ташқари кучли алам, қасос, рашк ҳисси) билан ажралиб туради. Барқарор ғазаб, қасоскорлик, шафқатсизлик, бахллик, уни узоқ вақт жиноий қасд режасини кўтариб юришга, жиноий мақсадга эришиш воситалари ва усулларини пухта ўйлашга ундайди. Жиноий ғаразни у одатда ўта шафқатсизлик ва усталик билан бажаради.

Унинг яхши кўрган иши – ашаддий безорилик, қийнаш, номусга тегиш, қотиллик. Бундай жиноятчилар ўта ҳиссизлиги, ачинмаслиги, шафқатсизлиги ва садизми билан ажралиб турадилар. Бу типдаги рецидивистлар одатда психопатиялар, деградация ва алкогольлашувнинг енгил даражаларига дучор бўладилар. Улар ўзларининг экспрессивлиги сабабли жиноий гуруҳ аъзоларига катта таъсир кўрсатадилар ва кўпинча уларнинг бошлиқларига айланадилар.

Ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг шахсига хос жиҳатлар орасида доминантлик – атрофдагилардан устунлигини, таваккалга боришини, сохта қаҳрамонлиги билан ўзига бино қўйиш, мақтанчоқлик, савлатга зўр бериш ажралиб туради. Жиноятчилар орасида улар шаддодлик, шафқатсизлик, ниҳоятда қўполлик, куч ишлатиш, шантаж ва таҳдидларни намоён этадилар. Рецидивист жиноятчиларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга, айниқса ўсмирлар ва ёшлардан бўлган ана шундай шахсларга ғайриижтимоий таъсирининг кучи туфайли ошиб боради. Рецидивист жиноятчилар терговга қаршилик кўрсатиш тажрибасига эгалиги туфайли ўз жиноятларини пухта яширадилар.

Махсус рецидив (ўхшаш жиноятни такрорлаш) жиноий «ихтисослашув»нинг кучайиб бориши, жиноий қилмиш усулларининг такомиллашуви билан боғлиқ. Ўта хавфли рецидивистнинг белгиларидан бири – жиноятни содир этишнинг оғир усулидир. Узоқ давом этувчи жиноий фаолият муайян барқарор шароитларнинг яратилиши – «ишончли» шерикларнинг танланиши, жиноий йўл билан топилган буюмлар, қимматбаҳо нарсаларни ўтказишнинг ташкил қилиниши ва кўп ҳолларда жиноий гуруҳнинг ташкил этилиши билан боғлиқ. [5]

Рецидивист жиноятчилар – жиноий оламнинг ўзаги, жиноий субмаданиятнинг қўриқчилари, жиноят содир этиш ва уларни яширишнинг нозик усулларини ишлаб чиқувчилардир.

Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятларининг паст даражада бўлишида, унинг ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади. Яъни, ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан баҳрамандлик даражаси билан боғлиқдир.

Инсон хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шакланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-

шароитларга қуйдагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.

Шахс қанча кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятидир) унда биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанча чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунча катта рол ўйнайди. Жиноятчининг хулқи ҳам қадриятлар асосида йўналган. Аммо жиноятчининг қадриятлари бузилган, улар ижтимоий қадриятларнинг умум эътироф этилган тизимига мос келмайди. Шу маънода жиноятларни очиш жараёнида содир этилган жиноятнинг сабабини аниқлаш яхши самара беради. Чунки *жиноят мотиви* жиноий қилмиш содир этишга аҳд қилувчи англаб етган ҳис-туйғудир. Жиноятларни фош этишда аввало жиноятчининг интеллектуал-маънавий хислатлари, қадриятлари, руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, жиноятчи шахсининг руҳий ҳолатларини мантиқий таҳлил этиш, у содир этган жиноятни малакали баҳолаш, жумладан индивидуал башорат қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Содир этилган жиноятни фош этишда жиноятчи тўғрисида ҳар томонлама чуқур тасаввурга эга бўлиш учун жиноий ҳаракатнинг вақти, жойи ва бошқа жиҳатлари тўлиқ психологик таҳлил этилиши, яъни жиноят содир этилишининг яширин мотивлари ва мақсадларини инобатга олиш зарур.

Жиноят содир қилган шахснинг асосий мақсади:

- 1) ўз олдида қўйган мақсадига эришиш;
- 2) қилган жиноятининг изини йўқотиш.

Жиноятчи шахсларнинг ички руҳий олами ва анъаналаридан келиб чиқадиган бўлсак, улар кўп ҳолларда жиноятни маҳорат билан (профессионал) содир этадилар, шунингдек, бошқа шахсларни кўрқитиш, алдаш йўли билан жиноят содир этишга мажбур қиладилар. [6]

Жиноятчи шахслар иложи борица ички ишлар органлари ходимлари билан мулоқотда бўлишни хоҳлашмайди, улардан узоқроқ юриш, ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиладилар. Агар улар билан мулоқотга киришиладиган бўлса, ўзларининг фақат ижобий томонларини кўрсатишга интиладилар, чунки ижобийлик уларнинг ҳар хил воқеа-ҳодисалардан кейин гумон қилинмаслигини таъминлаши мумкин, деган фаразни юзага келтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Душанов Р.Х. Дастлабки тергов фаолияти психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. 72 Б.
2. Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология. Маърузалар матни. – Т., 2010. 46 Б.
3. Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. 23 Б.
4. Сирлиев Б.Н., Соттиев И.А. ва бошқалар Дастлабки тергов фаолияти психологияси. Дарслик. – Т., 2015. 91 Б.
5. Қодиров У., Умаров Б. Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. – Т., 2005. 116 Б.
6. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Дарслик, 1,2 китоб, Т., 2002. – 186 Б.

7. URL: [http:// www.psychiatry.ru](http://www.psychiatry.ru)
8. URL: <http:// www.purdue.edu>
9. URL: <http:// www.textarchive.ru>



INNOVATIVE
ACADEMY